

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛОХОВ АКМАЛ ҚАМАРИДДИНОВИЧ

БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ҒОЯЛАРИДА ЁШЛАР
ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УДК 94(575)1(09)(575)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Салохов Акмал Қамариддинович

Бухоро маърифатпарварлари ғояларида ёшлар толерантлигини
шакллантириш муаммоларининг фалсафий таҳлили 5

Салохов Акмал Қамариддинович

Философский анализ проблем формирования молодежной толерантности в
идеях просветителей Бухары. 21

Salokhov Akmal Kamariddinovich

Philosophical analysis of the problems of the formation of youth tolerance in the
ideas of the Bukhara enlighteners 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛОХОВ АКМАЛ ҚАМАРИДДИНОВИЧ

БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ҒОЯЛАРИДА ЁШЛАР
ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fal436 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчехра Нематовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назаров Қиём Нормирзаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдувоҳидов Суннатилло Абдунабиевич
фалсафа фанлари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (622 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «30» ноябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил «30» ноябрь даги 33 рақамли реестр баённомаси.)



Шодмонов Қ.Б.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Ҳ.Ю.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кузатилаётган умумбашарий тараққиёт билан боғлиқ муаммолар – тинчликни таъминлаш, саводсизликни тугатиш, демократияга зид бўлган ижтимоий муносабатлар халқлар маданиятида интеллектуал ва маънавий ҳодиса сифатида муҳим ўрин тутган маърифатпарварлик ғояларини, уларнинг бағрикенглик, толерантликка хос ғояларни жамият ҳаётига тадбиқ этишга ундамоқда. Ислоҳотчилик ва янгиланиш даврида бу ижтимоий заруриятгина эмас, балки ҳаётининг эҳтиёж сифатида, маънавий-мафкуравий уйғониш, маданий ва иқтисодий юксалишларга бўлган эҳтиёжларнинг бош мезони сифатида муҳим аҳамиятга эга Айниқса, тинч-тотувликни таъминлаш, ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашда маърифатпарварларнинг инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, мақсад сари интилиш, меҳр-шафқатли бўлиш, инсон қадрини улуғлаш каби ғояларининг фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида консенсусни таъминлаш, бағрикенгликни шакллантиришнинг инновацион усул ва воситаларини ишлаб чиқишда маънавий меросдан оқилона фойдаланишга оид фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод қилган Бухоро маърифатпарварлари томонидан ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик руҳидаги фалсафий қарашларини ҳозирги кунда ёшлар қалби ва онгига етказиш ва уларнинг таълимотида толерантлик маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан Бухоро маърифатпарварлари Аҳмад Дониш ва Абдурауф Фитрат асарлардаги толерантлик маданиятини юксалтиришга оид қарашларни, маданий янгиланиш, маърифий юксалиш, таълимни ислоҳ этиш, илм ва ҳунар эгаллашга оид ижтимоий-ахлоқий ғояларни тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида инсон қадрини юксалтириш, халқпарвар ижтимоий давлат барпо этиш, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашга оид ислоҳотлар олиб борилмоқда. “Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ва бунда мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, умуминсоний маданият марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий ва ижтимоий-фалсафий концепцияни самарали амалга ошириш лозим”¹. Айниқса, жадид маърифатпарварларининг илм-маърифат тараққиётига қўшган ҳиссасини, уларнинг маънавий меросини тадқиқ этиш, шахс маънавияти, таълим ва тарбияга оид ғоялари асосида ёш авлодни толерантлик руҳида

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.302

тарбиялашнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сон “Қатагон курбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 723-сон “Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маърифатпарварлик ғоялари, толерантликка хос хусусиятларнинг жадидлар меросида намоён бўлишига оид тадқиқотлар хорижлик мутахассислар С. Мендус, Уолцер Майкл, Л. Хамман, А. Токаризуқ, Ж. Жеффри, С. Мишель томонидан амалга оширилган. Жадидчилик ҳаракатидаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларнинг таҳлили Адиб Холид, Э. Олворт, Коматсу Нисао тадқиқотларида у ёки бу тарзда амалга оширилган. Адиб Халид тадқиқотларида ўрганилган².

² Mendus S. Toleration // Encyclopedia of Ethics. New-York; London, 1992. P. 1251; Уолцер Майкл. О терпимости. – М.: 2000; Michael Walzer. On Toleration (New Haven: Yale University Press 1997) – P. 61; Hamman L.J. Religions traditions and the limits of tolerance. – Combersburg: Anima books, 1988. – P. 155; Tokarizyk A. Tolerancia. – Warshawa, 1979. – P. 120; Jeffery J, Montak, Mitchell S, Sanders. The Complexity of Tolerance and Intolerance Judgments: A Response to Gibson. Political Behavior, Vol. 274, No.4 (Dec., 2005). – Pp. 325-337; Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – Berkeley: University of California Press, 1998.; Allworth E. Central Asia. A Century of Russian rule. - Newyork-London: Columbia University Press, 1967; Komatsu Hisao. 20 Yuzyil baslarinda Orta Asyada Turkuluk ve devrim hareketleri. – Ankara, 1993; Andican A. Turkestan Struggle Abroad From Jadidism to Independence. Haarlem: Sota, 2007.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида жадиализм ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига оид тадқиқотлар В. Бартольд, А. Шукуров, И. Умняков, Стефан А. Дюдуаньон томонидан амалга оширилган. Жадидаларнинг адабий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, уларда бағрикенгликнинг кўринишлари А. Басыров, И. Брагинский, В. Валиханова М. Вахабов, Н. Гафаров, А. Маликов, Р. Хакимов илмий изланишларида тадқиқ қилинган³.

Мамлакатимизда жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий, маърифий, ахлоқий, маънавий ва эстетик жиҳатларини И. Мўминов, З. Қодирова, Ш. Мадаева, Г. Махмудова, Қ. Назаров, Д. Амриддинова, Г. Наврўзова, Р. Шодиев, С. Абдувоҳидов, З. Ахмедова томонидан ўрганилган⁴.

Ушбу диссертацияни ёзиш жараёнида мазкур тадқиқотлар ва шу билан бир қаторда тарихчи олимларимизнинг, адабиётшуносларнинг илмий изланишларидан унумли фойдаланилди. Аммо, Бухоро маърифатпарварлари маънавий меросининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий аҳамияти, уларда толерантлик маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларига оид алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги, ижтимоий бирдамлик, муросавийлик, ижтимоий адолат, ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга оид ғояларининг фалсафий таҳлилига мазкур диссертацияда тадқиқ этилиши билан аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режа билан боғлиқлиги.

³ В.В.Бартольд. Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение.- 1922.- № 1.- С. 24-30; Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане // Наука и просвещение.- 1922.- № 1.- С. 31-35; Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. - Вып. 16,-Ташкент, 1927,- С.81-95.; Стефан А. Дюдуаньон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII – нач XX вв.) – Казань: Институт истории АН Татаристана, 1997; Басыров А. Х. Джадидизм. Уфа, 2009. — автореферат диссертации.; Брагинский И. С. О природе среднеазиатского джадидизма в свете литературной деятельности джадидов // История СССР, -1965. -№ 6. - С.26-38.; Валиханова В. С. Джадидизм: возникновение и сущность // История национальных политических партий России. — М., 1997.; Вахабов М. Г. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период великой октябрьской революции// История СССР.-1963.-№ 2.-С.35-56.; Гафаров Н. У. Культурно-просветительская деятельность джадидов в Бухарском эмирате, начало XX века. Душанбе, 1999.; Гафаров Н. У. Джадидизм в Средней Азии в конце XIX в. — начале XX в. Душанбе, 2014.; Маликов А. М. Самаркандские реформаторы начала XX века: Исаходжа Ширинходжаев // XXX международный конгресс по источниковедению и историографии стран Азии и Африки: к 150-летию академика В. В. Бартольда (1869—1930). Материалы конгресса. т.1. Спб.: Студия «НП-Принт», 2019. - с.473-475.; Хакимов Р. С. Джадидизм (реформированный ислам). - Казань: Институт истории АН РТ, 2010. - 208 с.;

⁴ Мўминов И.М. “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан”. -Т, Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960. – Б. 122; Кадырова З.Р., Шарипов А.Д., Алиева В.Р. Повышение социальной активности и толерантности молодёжи – важный фактор построения гражданского общества в Узбекистане. – Т.: Философия и права, 2008. – 92 с; Мадаева Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари: Автореф. дис.фалс. фан. ном. –Т.: ЎзРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996; С. Абдувоҳидов. Жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий – сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон : Автореф. дис.фалс. фан. ном. –С.: 2019; Наврўзова Г.Н. “Аҳмад Дониш- XIX асрнинг буюк мутафаккири ва тараққийпарвари” мавзудаги Республика илмий-назарий конференция материаллари.Бухоро.2007. –Б. 28-29.; Эргашев Б.Х. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма. Идеология молодобухарцев: дисс. Д-ра философ.наук. - Бухара. 1993. -314 с; З.Ахмедова.”Ижтимоий-фалсафий фикр ривожда бағрикенглик тамойили”.”Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари” мавзудаги илмий-назарий конференция материаллари. Бухоро.2006.-Б.209-212.; Д. Амриддинова. “Жадиличлик таълимотида комил инсон концепциясининг фалсафий – ижтимоий моҳияти”. Автореф. дис.фалс. фан. ном. –С.:2021.

Диссертация Бухоро муҳандислик - технология институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Демократик жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш” (2022-2026 йй) мавзуидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро маърифатпарварлари қарашларидаги толерантлик ва бағрикенглик ғояларининг комил инсонни тарбиялашдаги конструктив аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшлар толерантлиги муаммосини тарихий-фалсафий ўрганишнинг назарий-услубий масалаларини тадқиқ этиш;

тарихий-фалсафий меросимизда ёшлар толерантлигини шакллантириш анъаналарини асослаб бериш;

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро маърифатпарварлик ривожининг тарихий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш;

Бухоро маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий ислохотлар ҳақидаги ғояларида ёшлар толерантлигини шакллантиришга оид назарий-методологик қарашларини тадқиқ этиш;

Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақое” асарида бағрикенглик ғояларининг ёшларда миллий ва диний толерантлик, ватанпарварликни шакллантиришдаги аҳамиятини очиб бериш;

Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида бағрикенглик ғояларининг моҳиятини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро маърифатпарварларининг илмий-маънавий мероси танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро маърифатпарвар-жадидларининг маънавий мероси, хусусан Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақое” асарида бағрикенглик ғоялари, Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида толерантликка оид тамойилларнинг моҳиятини асослаб беришдан иборат

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, ворисийлик, анализ ва синтез, синергетик, таққослаш ва умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Аҳмад Дониш ва Абдурауф Фитрат асарлардаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, озодлик, мақсад сари интилиш, инсонларга меҳр-шафқатли бўлиш, ўз манфаатидан халқ манфаатини юқори қўйиш каби ғояларнинг халқаро ҳамжамятнинг “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” билан муштараклиги аниқлаштирилган ҳамда ҳозирги даврда ёшларда ватанпарварлик, толерантлик маданиятини юксалтириши аргументлар воситасида далилланган;

Бухоро маърифатпарварларининг маданий янгиланиш, маърифий юксалиш, таълимни ислоҳ этиш, илм ва хунар эгаллашга оид ижтимоий-ахлоқий ғояларининг ҳозирги давр ёшлар маънавий камолотининг ҳалоллик, пок виждонлилик, сабр-тоқатлилик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик каби мезонларини шакллантиришдаги таъсири очиб берилган;

Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақое” асаридаги миллий уйғониш,

адолатли бошқарув, бағрикенглик, тенгхуқуқлилики таъминлашга ундовчи ғояларнинг замонавий демократик ва бағрикенг жамият юксалишининг ҳал қилувчи омили эканлиги сабабли эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва демократик қадриятлар устуворлигини таъминлашда ёшлар толерантлигини шакллантириш учун позитив аҳамиятга эга эканлиги фалсафий асосланган;

Фитратнинг “Раҳбари нажот” асаридаги маърифий, тарбиявий, толерантлик, муроса маданияти, инсон маънавиятига оид ғоялари ҳамда маърифатпарварлик, жадидчилик фаолиятлари бағрикенгликка асосланган миллий характерни шаклланишида конструктив асос бўлганлиги мантиқий исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро маърифатпарварлари ғоялари асосида жаҳолатга қарши маърифат, фан ва маданият, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактик тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

ёшлар тарбиясида маърифатпар мутафаккирларининг маънавий меросини таълим-тарбия жараёнига қўллаш орқали Янги Ўзбекистон миллий тараққиётини таъминлаш ва муносиб баркамол авлодни вояга етказиш, уларни янгича дунёқарашга эга бўлишларини таъминлаши назарий-методологик жиҳатдан асосланган;

ёшларда толерантлик маданиятини шакллантириш маънавий-мафкуравий жараёнларнинг барқарор тараққиёт мезонлари ва йўналишларини туркумлаштириш тамойилларини жамият ҳаётига тадбиқ этишнинг самарадорлигини ошириши ҳамда маънавий ва мафкуравий жараёнларни структуравий-функционал уйғунлаштириш вазифасини бажариши асослаб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. **Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти** илгари сурилган илмий янгилик ва хулосалардан жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларда назарий-методологик асос сифатида хизмат қилиши, махсус илмий-амалий ва назарий анжуманлар, семинар тренингларини ўтказишда, шунингдек, “Фалсафа”, “Маънавиятшунослик”, “Касбий этика ва этикет” ва “Касб маънавияти” фанларининг мавзуларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёшларда толерантлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тарбия методларини ишлаб

чиқишда, имкониятини беради. ёшлар билан ишлаш ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида ва маънавий тарғибот марказларининг маънавий-маърифий ишларда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, ёшлар давраларида ўқиладиган маънавий-маърифий маърузаларда, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасига оид туркум рисоалар нашр этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро маърифатпарварлари ғояларида ёшлар толерантлигини шакллантиришнинг фалсафий таҳлили жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Аҳмад Дониш ва Абдурауф Фитрат асарлардаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, озодлик, мақсад сари интилиш, инсонларга меҳр-шафқатли бўлиш, ўз манфаатидан халқ манфаатини юқори қўйиш каби ғояларнинг халқаро ҳамжамиятнинг “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” билан муштараклиги аниқлаштирилган ҳамда ҳозирги даврда ёшларда ватанпарварлик, толерантлик маданиятини юксалтиришига оид илмий-назарий хулосалардан “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот марказининг “Миллий кадриятлар – ёшлар ардоғида” (2019 й) мавзусидаги давлат гранти лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (“Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот марказининг 2022 йил 10 августдаги МЛ01/01-29-сон маълумотномаси). Натижада, маърифатпарвар-жадидларнинг ёшларда толерантликни шакллантириш муаммоси билан боғланган фалсафий меросини ўрганиш бўйича ижтимоий-маънавий ислохотлар нуқтаи назаридан тавсия ва тақдимотлар ишлаб чиқишга, “комил инсон” тарбиясидаги маънавий-руҳоний, диний-ирфоний ва биологик-жисмоний жиҳатларини аниқлашга, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, ёшлар маънавий салоҳиятини янада такомиллаштириш каби профилактик тадбирларни мазмунан бойитишга хизмат қилган;

Бухоро маърифатпарварларининг маданий янгилиниш, маърифий юксалиш, таълимни ислоҳ этиш, илм ва ҳунар эгаллашга оид ижтимоий-ахлоқий ғояларининг ҳозирги давр ёшлар маънавий камолотининг ҳалоллик, пок виждонлилик, сабр-тоқатлилик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик каби мезонларини шакллантиришдаги таъсирига доир илмий янгилик ва таклифлардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилда мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини ошириш ва ушбу йўналишни янада ривожлантиришнинг янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурининингу II йўналиши “Ўзбекистондаги янгилиниш жараёнлари, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятни кенг тарғиб қилиш” 12-банди “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари” ғоясини рўёбга чиқаришга қаратилган умуммиллий ҳаракатни юзага келтириш чора-тадбирлари инсонпарварлик, ватанга содиқлик туйғуларини кучайтириш, ёшларни интеллектуал қобилиятларини қўллаб-қуватлаш, улар ўртасида турли салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳаси, “Коррупция келажакка таҳдид” иншолар танлови, “Ўзбекистон ёшлар нигоҳида” расмлар танлови, “Она Ватанимнинг буюк фарзандлари”, “Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман”,

“Ватанга хизмат қилиш – буюк мақсадим” мақолалар танловини ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 17 февралдаги 20-сон маълумотномаси). Натижада, миллий тарбияда маърифатпарвар мутафаккирларининг қарашларини кенг жамоатчилик орасида тарғиботини олиб бориш ишлари натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақоъ” асаридаги миллий уйғониш, адолатли бошқарув, бағрикенглик, тенгхуқуқлилини таъминлашга ундовчи ғояларнинг замонавий демократик ва бағрикенг жамият юксалишининг ҳал қилувчи омили эканлиги сабабли эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва демократик кадриятлар устуворлигини таъминлашда ёшлар толерантлигини шакллантириш учун позитив аҳамиятга эга эканлигига оид илмий-назарий хулосалар ва тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастуридаги “Ёшлар – келажак бунёдкори” лойихаси доирасида амалга оширилган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида анъанавий республика фестиваллари, акцияларни, мастер-класслар ва ижодий учрашувларнинг сценарийларини тайёрлашда ва ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2022 йил 17 январдаги 04-13/50-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратиш, уларни касб-хунарга йўналтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик ҳамда бағрикенглик руҳида тарбиялаш, турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга доир билим ва кўникмаларини кенгайтиришга хизмат қилган;

Фитратнинг “Раҳбари нажот” асаридаги маърифий, тарбиявий, толерантлик, мураса маданияти, инсон маънавиятига оид ғоялари ҳамда маърифатпарварлик, жадидчилик фаолиятлари бағрикенгликка асосланган миллий характерни шаклланишида конструктив асос бўлганлигига оид назарий умумлашма ва таклифлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йилда эфирга узатилган “Ассалом Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 8 февралдаги 1/34-сон маълумотномаси). Натижада, Бухоро маърифатпарварлари ғояларида ёшларда ватанпарварлик, толерантлик маданиятини шакллантириш ва ҳалол инсон бўлиб етишиш имкониятларини янада кенгайтириш бўйича телетомошабинларнинг билим ва кўникмаларини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (3 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёшларда толерантликни шакллантиришда тарихий-фалсафий меросдан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида ёшлар толерантлиги муаммосини тарихий-фалсафий тадқиқ этишнинг назарий-услубий масалалари, тарихий-фалсафий меросимизда ёшлар толерантлигини шакллантириш анъаналари таҳлил этилган.

Диссертацияда **“Толерантлик (лотинча, Tolerantia- сабр тоқат, чидамлилик, бағрикенглик) - атамаси лотинча сўздан келиб чиққанлиги, ушбу тушунчанинг икки хил маънода яъни, ўзгалар турмуш тарзига, хатти-ҳаракатига, урф-одатларига, ҳис-туйғуларига нисбатан чидамлилик ва ноқулай эмоционал омилларга нисбатан чидамлилик маъносига ишлатилиши таъкидланган.**

Диссертант фикрича, **“Толерантлик”** сўзи дастлаб биология ва тиббиёт соҳаларида ишлатилган. Бу атама иммунитетни йўқ инсонларга нисбатан қўлланилган⁵. Толерантлик турли маданиятлар томонидан бир хилда анланмаган ва халқнинг тарихий тажрибасига боғлиқ бўлиб, ушбу тушунча бугунги кундаги дунё ҳамжамиятида турли бой маданиятларни ўзида ифодалаш ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Бағрикенглик билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикрлилик, виждон ва эътиқодни вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир. Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки хушомад эмас, балки, энг аввало инсоннинг универсал

⁵Едыгова Наталья Петровна. Воспитание межнациональной толерантности в поликультурной подростковой среде Дис. ... канд. пед. Наук. –М, 2003. – С. 12.

ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабат шаклидир. Ҳеч қандай вазиятда ҳам бағрикенглик ана шу асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, бағрикенглик – ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлақлаштиришдан воз кечишни англатувчи ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунча ҳисобланади. Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон-этиқодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг этиқодига ён беришни англатмайди. Шунинг учун ҳам ҳар ким ўз этиқодига амал қилишда эркин ва бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. Кишилар ўз табиатига кўра, ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши этирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар. Шунингдек, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Диссертацияда Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида ҳамма вақт бошқа халқлар, миллатлар ва динлар вакилларига нисбатан ўзининг хайрихоҳлигини ва ҳурмат билан ёндашувини намоён этиб келганлиги, маданиятлараро мулоқот ва диний бағрикенглик халқимизнинг ўзига хос туғма фазилатлари бўлганлиги таъкидланади. Мамлакатимизда турли динга этиқод қилувчи фуқаролар, юздан ортиқ миллат вакиллари ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда, саксондан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистонда мусулмонлар диний идораси, Рус Православ черковининг (Тошкент) ва Ўрта Осиё Епархияси, Тўлиқ Инжил Христианлари черкови, Адвентистлар черкови, Яҳудийлик синагогалари ва бошқа диний конфессиялар ибодатхоналари ягона ҳуқуқий мақом асосида иш олиб бормоқда.

Диссертант томонидан маърифатпарварлик ва унинг юқори босқичи бўлган жадидчилик вакиллари нодонлик, жаҳолат, ижтимоий адолатсизлик, мутелик, золимлик ва зўрлик, мустамлакачилик, билимсизлик, сиёсий онгсизликка қарши туриб, бағрикенглик, тенглик, шахс эрки, озодликни ўз қарашларида намоён этганлари асосланган.

Диссертациянинг **“Бухоро маърифатпарварлари ғояларида ёшлар толерантлигини шакллантириш масалалари”** деб номланган иккинчи бобида XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро маърифатпарварликни ривож, маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлар ҳақидаги ғояларида ёшлар толерантлигини шакллантириш масалалари таҳлил этилган.

Диссертант фикрича, Бухоро маърифатчилигининг дастлабки босқичларида ахлоқий ғоялар асосан бадий ва дидактик шаклларда ўз аксини топди. Шу жиҳатдан Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое” асари диққатга сазовор. Аллома ўз асарларида Бухоро амирлиги давлат тузумини

Россия давлат тузуми билан солиштириб, уни ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлайди ва унинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш фақат илм, маърифат орқали Марказий Осиёда фаровон ҳаётга эришиш мумкин, илм ва маърифатгина жаҳолат ва нодонликдан қутқара олади, халқнинг аянчли аҳволи энгиллашади, деган асосли хулоса қилинади.

Маърифатпарвар Аҳмад Дониш тожик ва туркий халқларни Европа маданияти билан таништиришга ҳаракат қилган. У ўзбек, тожик, туркман халқларини илмсизликдан, жаҳолатдан қутулишга, дунёга маърифат назари билан қарашга даъват этган. У мусулмон халқлари ахлоқ, маърифат, сиёсат ва ҳуқуқни, маърифат ва маданиятни европаликлардан ўрганиши керак, деб афсус билан ёзади. У “Фаромушхона” номли ҳикоясида “Фаранглар бутун дунёни обод қилишни мақсад қилган, шу сабабли улар энг оддий касб-ҳунарларда ҳам мислсиз муваффақиятларга эришдилар, улар шу мақсадидан бир қадам ҳам чекинмайдилар”, “Фарангларни мақсади бутун дунёни обод қилиш, моддий олам сирларини кашф этиш”⁶ бўлганлиги эътироф қилади. Аҳмад Дониш фикрича, Бухоро амирлигининг Европадан иқтисод ва маданият соҳаларида орқада қолганлигининг сабаби амирликда тарих билан қизиқиш йўқлиги, илм маърифатга рағбатнинг сустлиги, эртанги кун қайғуси йўқлигида, деб билади.

Диссертацияда Бухоро ҳудудида маориф тизимини ислоҳ қилиш лозимлиги ҳақидаги масалани илк бор Аҳмад Дониш кўтарганлиги таъкидланади. У Бухоро амирлиги чор кўшинлари томонидан ишғол этилганидан кейин бир неча марта Россияга бориб, ислоҳот ҳақидаги ғояларини ўзининг “Наводир ул-вақое” ва “Таржимаи аҳволи амирони Бухорои Шариф” асарларида баён қилган. Бундан ташқари, Туркистонда жадидчиликнинг шаклланишига И.Гаспиралининг “Таржимон” газетаси, Қозон ва Озарбайжондан келтирилган турли адабиётлар, “Ёш турклар” номли усмонли миллий ҳаракатнинг таъсири ҳам кучли бўлган. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикрлар ривожига улкан ҳисса қўшган, жадидлар дунёқараши шаклланишига таъсир кўрсата олган Аҳмад Дониш ўз асарларида бағрикенглик ғоясини тарғиб қилиб келган.

Диссертант фикрича, Бухоро амирлигидаги жадидлар партияси (фирқаси), дастлаб “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) махфий жамияти шаклида тузилган. 1919-1920 йилларда “Ёш бухороликлар” партияси, деб аталган. Унга тараққийпарвар зиёлilar, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакиллари кирган. Улар бошида мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислоҳотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган. Абдулвоҳид Бурхонов, Мукамил Бурхонов, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа), Отаулла Хўжаев, Акмалжон Ҳамдий (Абусайдов), Ҳомидхўжа Меҳрий, Муса Саиджонов, Мирзо Сирож Ҳаким Ёш бухороликларнинг дастлабки ташкилотчилари бўлиб, кейинчалик унинг фаолиятида Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров катта рол ўйнаган.

⁶ Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. - Душанбе: Таджикгосиздат, 1960. – Б.88

Диссертацияда жадид мактаблари бир неча асрлар давомида Бухоро мусулмон оламининг таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, илм-фан ўчоғи бўлиб келганлиги таъкидланади. Усули жадид мактабдорлари бундай тўсиқлар, таъқиб ва тазйиқлардан чўчимасдан ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бордилар. Тошкент, Самарқанд Фарғона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мутафаккирлар билан алоқа боғладилар, Қрим, Туркияга талабалар юбориш, ўз сафларини ўсиб келаётган билимли ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашга киришдилар. Бухоронинг илғор кучларини бирлаштириш учун жамият керак эди.

Ана шундай маърифатпарварлардан бири Абдурауф Фитрат бўлиб, унинг бой ва кўпқиррали фаолияти бадиий адабиётнинг деярли ҳамма жанрларида – адабиёт назарияси, драматургия ва публицистика, фалсафа, тилшунослик ҳамда бир неча бошқа соҳаларда ўчмас из қолдирди. У йирик давлат ва жамоат арбоби эди. Фитратнинг буюк хизматларидан бири шундан иборатки, у XX аср биринчи ярмидаги ўзбек маърифатпарварлигининг чўққиси ҳисобланган жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлиб танилди. У маърифатчилик, илм-фанни кўллаш ва ривожлантириш муаммоларини ҳам услубий-назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилишга катта ҳисса қўшди. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бағрикенглик ғояларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бутун ҳаёти ва қарашларига сингиб боришини белгилади.

Диссертант фикрича, ёшларни маърифат ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш муаммолари қанчалик аҳамият касб этганлиги Фитратнинг куйидаги: “Агар динга, Ватанга, молга, жонга, авлодга муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожи, Ватан ободлиғи, авлоднинг тинчлиги, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир”, деган фикрида чуқур ўз ифодасини топган. Толерантликнинг маърифатпарварлар томонидан бундай шарҳланиши уларнинг бу муаммога концептуал амалий масала сифатида ёндашуви, ўша давр ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари билан алоқадорлиги жиҳатидан ажралиб туради. Бу эса ҳозирги даврда унинг ниҳоятда долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Маърифатпарвар жадидлар бағрикенгликнинг тарафдорлари бўлиб, бу нарса уларнинг ислом маданиятининг аҳамиятини биринчи ўринга қўйишларига монелик қилмаган. Улар жаҳон тамаддуни ютуқларида мусулмонларнинг ҳам ҳиссаси борлигини ҳамиша таъкидлаб келганлар. Шу тариқа юртимизда ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган ғоялар жадидлар дунёқарашида акс - садо берган эди. Улар мадраса ва мактабларни ислоҳ қилишни, ўқув дастурларидан кераксиз фанларни олиб ташлашни талаб қилиб чиқдилар.

Диссертациянинг **“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Бухоро маърифатпарварлари ахлоқий-фалсафий меросининг ўрни”** деб номланган учинчи бобида Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақое” асарида бағрикенглик ғояларининг ёшларда ватанпарварлик, миллий ва диний

толерантликни шакллантириш, Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асаридаги бағрикенглик тамойилларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти очиб берилган.

Диссертацияда Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақое” асаридаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар, маърифатчилик, миллий уйғониш, илм ва маърифатга ундовчи ғояларнинг замонавий демократик жамият барпо этишда позитив аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, бағрикенглик серқирра фазилат сифатида жамиятда мураса, бағрикенглик, толеранлик маданиятини шакллантиришга имкон бериши таъкидланади. Унинг умумий бир атама касб этиши учун ўнлаб ижобий хислатларни изоҳлаш лозим. Жумладан, кечиримлилик, сабр-тоқат, мардлик, очиққўнгиллик, олижаноблик ва бошқалар. Аҳмад Дониш шу масала атрофида ўз қарашлари орқали бағрикенгликнинг ижобий сифатларини ёритиб берган. Маърифатпарвар олим инсон фазилатларининг барчаси замирида илм, донолик, ақл, ҳимматлилик, эзгулик, бағрикенглик, комиллик ҳам илм маърифат негизда шаклланади, деб кўрсатади.

Аҳмад Донишнинг ижтимоий-маърифий ғоялари ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мавжуд иқтисодий – сиёсий тузумнинг тараққиётига ғов бўлиб қолганлигини кўрсатишга ҳаракат қилади ва бу ғояни олиб ташлаш йўлларини қидиради. У “Наводир-ул-вақое” номли асарни ёзиб, барча муаммоларни ечиш йўлида шу асарини асосий қонун сифатида кўрсатишга уринади. “Наводир-ул-вақое” Аҳмад Донишнинг энг йирик асари бўлиб, унда мутафаккирнинг турли масалалар тўғрисидаги фикрлари баён этилган. Аҳмад Дониш аслида Европани кўрмаган бўлса-да, ушбу асарида Осиё ва Европа халқларининг ҳаётини қиёслаб, европаликлар - фарангларнинг фан, маданият, маориф, ҳарбий санъатда эришган ютуқларини улуғлаган. Уларга ҳавас билан қараб, ўз юртида маърифат тарқатиш ва одамларни саводли, илмли қилиш орқали шундай ютуқларга ўз халқи ҳам эришишини истаган.

Диссертант фикрича, Аҳмад Дониш одил, маърифатпарвар адолатли подшоҳ тарафдори бўлган. Ўз асарларида давлат бошқариву ҳақидаги ижтимоий-сиёсий фикрларини баён этади ва бир неча бошқарув тизимларини тавсия этади, давлатни оқил ва одил шахслар бошқарсин ва давлат ҳисобидан уларга маош тайинлансин, дейди. Аҳмад Дониш катта бир давлатни бошқаришини бир кишига топшириб бўламайди, деган хулосага келиб, Европа мамлакатларидаги парламент, деб аталадиган давлат ташкилотини тавсия қилади. Аҳмад Дониш сабр-тоқат, бардош ҳақида гапириб, “таомни тўйиб емаслик”, нафсга қул бўлмасликни таъкидлайди. Сабр-бардошли бўлиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан биридир. Донишнинг фикрича, ота-оналар агар фарзандларини виждонли этиб тарбиялай олсалар, тақдирга шукрона қиладилар, аммо улар фарзандларига яхшилигини раво кўрмасалар, ўз ғаразларига ботадилар. Ўғил ота оиласида бўлса, у отаси таъминотидан фойдаланишга ҳақли. Ота ўз бурчларини бажариб, билим, ҳунар ўргатиб, уйлантиргандан сўнг ўғил ота муруватига ҳақли эмас. Бу оддий оила масаласи бўлиб кўринсада, аммо унинг замирида чуқур мантиққа эга бўлган ҳаёт фалсафаси ётади.

